

**“Ўзбекистон республика валюта биржаси”  
акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига !**

Жамиятнинг номи: “Ўзбекистон республика валюта биржаси”  
акциядорлик жамияти (ЎзРВБ).  
Жойлашган ери (почта манзили): Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 4 уй.  
Электрон почта манзили: [info@uzrvb.uz](mailto:info@uzrvb.uz)  
Расмий веб-сайт: [www.uzrvb.uz](http://www.uzrvb.uz)

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши 2018 йил 11 июнь куни соат 15-00 да, Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 4 уйда ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун акциядорларнинг реестри шакллантириладиган сана: 2018 йил 31 май.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорларнинг реестри шакллантириладиган сана: 2018 йил 5 июнь.

**АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ  
КУН ТАРТИБИ:**

1. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
2. ЎзРВБ санок комиссияси аъзоларининг сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
3. ЎзРВБ Кузатув кенгашининг 2017 йилда ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан ЎзРВБни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши тўғрисидаги ҳисоботини эшитиш.
4. ЎзРВБда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.
5. ЎзРВБ Тафтиш комиссиясининг хулосасини эшитиш.
6. ЎзРВБнинг 2017 йил учун йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
7. ЎзРВБнинг 2017 йил яқунларига кўра соф фойдасини тақсимлаш.
8. ЎзРВБ Кузатув кенгашининг аъзоларини сайлаш.
9. ЎзРВБ Тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш.
10. ЎзРВБ Ижроия органи (Бош директор) билан тузилган меҳнат шартномасининг амал қилиш муддатини узайтириш.
11. 2018 йил учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш.

Шунингдек, ЎзРВБ акциядорларига тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) акциядорларга уларнинг электрон почталари орқали билдиришнома (хат) билан юборилади.

**ЎзРВБ Кузатув Кенгаши.**